

Ўзбекистон Россиядаги илмий-амалий конференцияда иштирок этади



09:34 / 10.10.2018 3054

Ўзбекистон делегацияси шу йилнинг 12 октябрь куни Москва шарқидаги «Альфа Измайлово» меҳмонхонасида ўтказиладиган "Ислом: психологик барқарорлик - шахсий ва ижтимоий фаровонлик асоси" Бутунроссия илмий-амалий конференциясида иштирок этади.

Мамлакатимиз номидан ушбу анжуманда таниқли олима, «Ҳилол» нашриёт уйи директор ўринбосари Одинахон Муҳаммад Юсуф иштирок этади.

Таълим ва фан учун Ислом маданияти, фани ва таълимини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида Муслмонларга психологик ёрдам кўрсатиш уюшмаси томонидан ташкил этилаётган мазкур анжуманга АҚШ, Индонезия ҳамда Россиянинг турли шаҳарларидан меҳмонлар [ташриф](#)

буюриши кутилмоқда.

Тадбирда психологлар, шифокорлар, жамоат ва дин арбоблар, шунингдек, Федерал Жазони ижро этиш хизмати вакиллари каби турли соҳалардаги маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирок этишади.

Конференция иштирокчилари Ислом бу онгли равишдаги танловми ёки анъанага риоя қилишми, деган саволга жавоб беришлари талаб этилади. Бундан ташқари, мутахассислар экстремистик ва террористик мафкуралар тарафдорларининг дерадикаллашуви ва одатий турмуш тарзига қайтиш муаммоларини муҳокама қилишади. Ёшлар билан ишлашда мусулмонларга психологик маслаҳат бериш ва Ислом ижтимоий психологияси билан боғлиқ масалалар ҳам анжуман иштирокчиларининг диққат марказида бўлади.

Таъкидлаш лозимки, "Ислом: психологик барқарорлик - шахсий ва ижтимоий фаровонликнинг асоси" Биринчи Россия илмий-амалий конференциясидан кўзланган асосий мақсад ва натижаларидан бири Россияда мусулмонларга тизимли психологик ёрдам беришга бағишланган ташкилот тузиш саналади.

Islom.uz портали таҳририяти